



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Муносабат

Беқиёс тарихий ҳужжат

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиши тўғрисида»ги Фармони ўқиб

Тил — миллат мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат, таъбир жоиз бўлса, унинг паспорти. Ўз навбатида, тилнинг бутун сеҳру жозибаси, латофати, қудрати биринчи навбатда ана шу тилда яратилган бадиий адабиётда намоён бўлади. Шу боис ўзлигини таниган, ўзини хурмат қилган ҳар бир миллат она тили ва адабиётининг дунё микросидаги нуфузини оширишни ҳаётий эҳтиёж, деб билади. Унинг ривожини йўлида бор куч-салоҳиятини сафарбар этади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиши тўғрисида»ги тарихий Фармони ана шу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга. 1991 йилнинг 31 августда мустақилликнинг эълон қилиниши Ватанимиз ва халқимиз тарихида қанчалик буюк ҳодиса сифатида эътироф этилса, ушбу фармон она тилимиз ва адабиётимиз ривожини шунчалик қадрлидир.

Матбуотда ушбу фармонни ўқиб, кўкрагим тоғ қадар кўтарилди. Бизнингча, ушбу тарихий ҳужжатдан кўйидаги муҳим фикрларга келиш мумкин:

Биз дунёнинг энг қадимий тарихга эга миллатлариданмиз. Давлатимиз раҳбари фармонидаги: «Ўзбек тили қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, унинг шаклланишида миллоддан олдинги ва миллоддан кейинги дастлабки асрларда минтақамиз ҳудудидан яшаган бақрийлар, сўғдийлар, хоразмийлар ва бошқа элат ва миллатлар ўз таъсирини кўрсатгани ҳақида мавжуд илмий манбалар далолат беради», деган сўзлари буни тасдиқлайди.


Президентимизнинг бу фикрлари теран асосларга эга. Мана, айрим далиллар. Бундан минг йил муқаддам буюк тилшунос Маҳмуд Қошғарий она тилимизнинг араб тили билан икки улоқчи от сингари тенг пойга қилиб ўзиб бораётганидан ифтихор қилган эди. Тасаввур қилинг, агар минг йил олдин она тилимиз ана шундай мавқега эга бўлган бўлса, бу даражага юксалиши учун қарийб яна бир-икки минг йиллик тақомил босқичларини ўтаган бўлиши керак. «Муҳокамат ул-луғатайн»да Алишер Навоий бу ҳақда қўйидагича ёзди: «...уч навъ тилдурким, асл ва мўътабардур ва ул тиллар иборот гавҳари билан қўйилининг адосига зевар ва ҳар қайсининг фуруғи бағоят кўптур. Аммо туркий ва форсий ва ҳиндий асл тилларнинг маншъаидур...»

Этибор беринг: «асл тилларнинг маншъаидур...» Бу ҳазилакам гап эмас. Маншъа — бу сўз «Навоий асарлари луғати»да: «бир нарсанинг чиқиб келган ўрни, келиб чиқиш жойи, бошланиши», дея изоҳланган.

Фармонда таъкидланганидек, ўзбек адабий тили ривожини Маҳмуд Қошғарийдан Лутфийгача, Алишер Навоийдан Фурқатгача, Маҳмудхўжа Бехбудийдан Абдулла Қодирийгача бўлган мутафаккир адибу шоирларимизнинг ҳиссаси бениҳоя катта. Уларнинг бу борадаги бой ижодий меросини янги замон талаблари асосида ўрганиш ҳам ҳаётий эҳтиёждир.

Иккинчи муҳим ҳулоса она тилимизни асраб-авайлаш, бойитиш, нуфузини мунтазам ошириб боришимиз зарурлигидир. Алишер Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида таъкидлаганидек, биз дунёнинг энг бой тилларидан бирига ворисмиз. Она тилимиз лексик қатламнинг бой экани, ифода имкониятининг кенглиги жиҳатидан дунёдаги бирор тилдан қолишмайди. Эндиги вазифа уни янада бойитиш, жаҳон халқларининг тиллари орасидаги нуфузини янада юксалтиришдир.

»(2).



Бадиий гимнастика

Нафосатга йўғрилган қизлар

ПОЙТАХТИМИЗДА БАДИЙ ГИМНАСТИКА БЎЙИЧА ЖАҲОН КУБОГИ БОСҚИЧИ ВА «HAPPY CARAVAN» ХАЛҚАРО ТУРНИРИ ЯКУНИГА ЕТДИ

Бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Гимнастика федерацияси, Халқаро гимнастика федерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган мусобақада Ўзбекистон, Россия, Хитой, АҚШ, Беларус, Жанубий Корея, Испания, Исроил, Малайзия, Польша, Эстония, Япония, Қозоғистон, Арманистон давлатларидан ташриф буюрган 100 дан ортик гимнастикачи ўз маҳоратини намойиш этди.

Мусобақадан кўзланган асосий мақсад қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг жисмонан ва маънан баркамол инсонлар бўлиб воёга етишини таъминлашдан иборат. Мазкур спорт тури билан шуғулланувчилар сони кейинги йилларда ошиб бораётгани қувонарли ҳолдир.

Ўзбекистон Гимнастика федерацияси томонидан барча вилоятларда федерациялар фаолияти йўлга қўйилди, мунтазам ўтказиб келинаётган ҳудудий ва республика мусобақалари иқтидорли спортчиларни аниқлаш, мамлакатимизда гимнастикани янада оммалаштириш имконини бермоқда.

Халқаро гимнастика федерацияси мусобақалар тақвимида жой олган Жаҳон кубоги босқичи пойтахтимизда еттинчи бор ташкил этилди. Мамлакатимизнинг спорт салоҳияти, мустақам моддий-техник база, яратилган шарт-шароитлар, тўпланган бой тажиба тўғрисидаги юртимизда ҳар қандай йирик спорт тад-

бири юқори савияда ўтказилиши халқаро спорт жамоатчилиги томонидан юқори баҳоланади.

Жаҳон кубоги босқичининг шахсий кўрсаткич бўйича баҳсларида Елизавета Назаренкова ва Анастасия Сердюкова, жамоавий беллашувларда Самира Амирова, Валерия Давидова, Луиза Ганиева, Зарина Курбонова, Марта Ростобурова, «Happy Caravan» халқаро турнирида Асал Икромова, Аида Гасанова, Лола Зокирова, Милана Тян, Алесия Киселёва ва Нуринисо Усмонова каби ёш гимнастикачиларимиз иштирок этди.

Гимнастикачилар кўпураш ва алоҳида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди. Жаҳон кубоги босқичининг алоҳида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича шахсий баҳсларда спортчиларимиз Анастасия Сердюкова тўп ва тасмада машқ бажаришда иккита бронза медални қўлга киритган бўлса, Елизавета Назаренкова бу лавада машқ бажариш бўйича учинчи ўринни эгаллади.

«Happy Caravan» турнирида иштирок этган Нуринисо Усмонова аргамчи, ҳалқа ва тўп билан бажарган машқлари учун учта бронза медал соҳиббасига айланди. Яна бир гимнастикачимиз Милана Тян бу лавада машқ бажаришда бронза медал билан тақдирланди.

Адхам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» муҳбири

«Касаба-тур» веломарафони



Оммавийлик, саломатлик байрами

Спорт кучли ирода, ғалаба ва мақсад сари интилувчанлик фазилатини тарбиялашда, ёшларнинг қалби ва онгига ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, фахр-ифтихор каби туйғуларни сингдиришда муҳим ўрин тутади. Шу боис ҳам юртимизда спортнинг барча турларига бирдек эътибор қаратилмаётган. Айниқса, сўнгги йилларда велоспорт ҳам кенг қулоч ёйиб, оммалашиб бормоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан аънанавий равишда ташкил этиб келинаётган «Касаба-тур» веломарафонининг якуний босқич мусобақалари ана шу оммавийлик йўлида муҳим қадам вазифасини ўтапти. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бир вақтнинг ўзига ташкил этилган мазкур беллашувларда турли соҳаларда меҳнат қиладиган 7 минг нафарга яқин ходим ва уларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилда веломарафон иштирокчилари сони ўтган йилга нисбатан 2 баробарга ортди. «Саломатлик акцияси» тарзида ўтказиб келинаётган мазкур веломарафонда нафақат меҳнатқашлар, балки уларнинг оила аъзолари ҳам қизиқиш билан иштирок этди. Бу галги спорт тадби-

ри «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган бўлиб, унда иштирокчилар сафига оилавий ҳаваскор велоспортчиларнинг кенг жалб этилгани, айниқса, аҳамиятлидир. Шунингдек, жажжи болажонлар ўртасидаги мусобақа ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортди. Корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзи барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган мазкур веломарафон уч босқичда ташкил этилиб, унда юртимиздаги 23 694 та корхона, ташкилот ва муассасада меҳнат қиладиган 3 млн. 200 минг нафардан ортик ҳаваскор велоспортчи ғолиблик учун кураш олиб борди.

»(4).

Кучли фуқаролик жамияти сари



Муқобиллик асосида

Марғилон шаҳридаги 54 та маҳалла фуқаролар йиғинида айни кунларда МФЙ раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ошқоралик, адолатлилик, муқобиллик каби демократик тамойиллар асосида ўтказилмоқда.

Марғилон шаҳрининг Янги Марғилон шаҳарчасидаги «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган сайлов-

да шаҳар кўмаклашувчи комиссияси ва ишчи гуруҳ аъзолари қатнашди. Маҳаллада 1396 оилада 6217 нафар

аҳоли яшайди. Йиғин раислигига кўрсатилган 2 нафар номзод сайловчиларни ўзларининг сайловолди дастурлари билан таништирди.

Номзодлар орасидан 51,1 фоиз овоз олган Анваржон Тожибоев ушбу маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди.

— Маҳалладошларимнинг юксак

ишончи зиммамга катта масъулият юклайди, — дейди А.Тожибоев. — Фаолиятим давомида маҳаллани янада обод қилиш, оилавий бизнесни ривожлантириш, бандлик ва аҳоли фаровонлигини таъминлашни олдимга мақсад қилиб қўйганман. Бу ишларни, албатта, янги сайланган 13 нафар маслаҳатчи ва фаоллар билан бир ёқадан бош чиқарган ҳолда амалга оширамиз.

«Иқбол» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган сайловда Иброҳимжон Қосимов МФЙ раиси, 9 нафар номзод эса раис маслаҳатчилари этиб сайланди.

Сайлов жараёнлари давом этмоқда.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси



Тиббиёт ходимлари соғломлаштирилмоқда

>> 2



Ёшлар бандлиги — устувор масала

>> 2

Конференция

«Тошкентгазтаъминот» УКда маъмурият билан касабга уюшма кўмитаси ўртасида 2013 — 2015 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг бажарилиши ҳамда 2016 — 2018 йиллар учун янги жамоа шартномасининг қабул қилинишига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Таҳлил ва режалар

Даставвал иш берувчи А.Раимов сўз олиб, жамоа шартномаси самардорликка сезиларли даражада ижобий омил бўлганига алоҳида ургу берди. Шундан сўнг касабга уюшма кўмитаси раиси Н.Исмоилова жамоа шартномаси ижроси юзасидан амалга оширилган ишларга батафсил тўхталди. Йил давомида цех касабга уюшма кўмиталари раислари учун амалий ўқув-семинари ҳамда соғломлаштириш спартакиадаси ўтказилганлиги, меҳнат муҳофазаси бўйича кўриктанловда республикада фахри II ўринни эгаллаганлигини тилга олди.

Муҳокама асноси янги қабул қилинадиган жамоа шартномаси юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Конференцияда тармок касабга уюшмаси Республика кенгаши раисининг ўринбосари Ғофуржон Ҳамидов иштирок этиб, мавзу юзасидан тегишли йўл-йўриқ ва тавсиялар берди.

Конференцияда янги муддатга жамоа шартномаси қабул қилиниб, касабга уюшмаларнинг устувор йўналишларига оид тавсиялар ишлаб чиқилди.

С. МУСАЕВ,
«Тошкентгазтаъминот» УК касабга уюшма кўмитаси етакчи мутахассиси

Беқиёс тарихий ҳужжат

№(1).

Бугунги кунда она тилимизнинг ривож учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилган. Галдаги вазифа, фармонда таъкидланганидек, «...бу соҳадаги камчиликларни бартараф этиш...» она тилимизнинг қўлланмиш доирасини янада кенгайтириш, унинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш ва илмий асосда ҳар томонлама ривожлантиришдан иборатдир.

Ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган бу каби ишлар буюк бобокалонимиз Алишер Навоий номидида Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети жамоаси зиммасига улкан масъулият юкляди. Узоқни кўзлаб, Ватанимиз, халқимиз манфаатини ўйлаб амалга оширилган, бениҳоя улкан аҳамиятга эга бу иш она тилимиз ва адабиётимизнинг бундан кейинги ривож учун катта имкониятлар эшигини очиши шубҳасиз.

Илм-фанни ривожлантирмай таълим соҳасида бирор муваффақиятга эришиш

қийин. Чунки илмдаги энг сўнгги янгиликлар талабалар аудиториясига олиб кирилса, амалиётга татбиқ этилса юксак самаралар беради. Янги университет жамоаси олдида фан ва таълимнинг юқори даражадаги интеграциясини таъминлашдек улкан вазифа турибди. Бу ўзбек тили ва адабиётининг устувор йўналишлари, ривожланиш истиқболлари билан боғлиқ долзарб илмий муаммоларни тадқиқ қилишдан, таълим тизимининг барча босқичларида ўзбек тили ва адабиётини ўқитишнинг янги ва самарали методлари бўйича илмий излашлар олиб бориш, илгор педагогик технологияларни кенг жорий этишгача бўлган кенг қамровли вазифалар ижросини қамраб олади.

Компьютер лингвистикаси соҳасини ривожлантириш, ўзбек тилининг ахборот услубини шакллантириш, она тилимизда матнларни автоматик таҳрирлаш, машина таржимаси учун мўлжалланган

дастурларни, компьютер изоҳли ва таржима лўғатларини ишлаб чиқиш, ўзбек тили ва адабиёти бўйича электрон дарсликлар, мультимедиа комплекслари, инглиз тилидаги IELTS, TOEFL тилидаги мукамал дастур тизимини яратиш сингари ҳозирги давр учун долзарб бўлган ишлар ҳам янги университет жамоаси зиммасида турибди.

Юртбошимизнинг ушбу фармони она тилимиз ва адабиётимиз ривож учун беқиёс аҳамиятга эга тарихий қадам бўлди. Уни ҳаётга татбиқ этишдаги вазифалар ичида энг муҳими ҳар бир ишга ватанпарварлик, тарихи шонли, келажаги буюк халқимизга, унинг тили ва адабиётига чуқур муҳаббат туйғуси билан ёндашмоқ ва ёш авлод қалбига бу руҳни сингдиришмоқдир. Она тилимиз ва адабиётимиз тақдир учун қуяниш, унинг раванки учун барча имкониятларни сафарбар этиш наинки янги университет жамоаси, балки бутун жамятимизнинг, ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори,
профессор.
ЎЗА

Ҳудудларда

Ёшлар бандлиги — устувор масала

Вобкент маиший хизмат касб-хунар коллежида ўқув-семинар ташкил этилди. Унда коллеж битирувчилари, вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими, туман Халқ банки, Савдо-саноат палатаси туман бўлими мутахассислари, хунармандлар ва кичик бизнес субъектлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда коллеж битирувчиларини ишга қабул қилишда яратилган имтиёзлар, меҳнат шартномаси муддатлари, меҳнат соҳасидаги халқаро стандартлар, ходимлар ҳуқуқи каби долзарб масалалар юзасидан фикр юритилди.

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг VII Курултойида мамлакат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан ҳар бир шаҳар ва туманда коллеж битирувчилари учун 25 тадан иш ўрни яратиш ташаббуси ўз ижобий самарасини кўрсатётгани иштирокчилар томонидан алоҳида қайд этиб ўтилди.

Нусрат ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабга уюшмаси Вобкент туман кенгаши раиси

Касабга уюшмалари — хотин-қизларга

Маълумки, 12 май бутун дунёда Халқаро ҳамширалар куни сифатида кенг нишонланади. Ҳар йили мазкур байрам муносабати билан Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасаларида самарали меҳнат қилиб, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган, фаолиятда муваффақиятларни кўлга киритаётган 50 нафар ҳамширага касабга уюшмалари тизимидаги санаторийларда дам олиб, соғломлаштирилиши учун бепул йўлланмалар ажратилади.



Тиббиёт ходимлари соғломлаштирилмоқда

Тошкент вилояти Қиррай туманида жойлашган «Умид гулшани» санаторийсида экстрагенитал, андрологик, эндокрин, асаб тизими, терапевтик, шунингдек, аёллар ва эркаклар бепуштлиги каби касалликлар даволанади.

BTL лазер, магнит, УФО, ултратовуш терапия, парафин, дарсенвал, массаж, балчиқ билан даволаш, шифобахш ванналар ҳамда бел тракцияси каби муолажалар беморларнинг соғайиб кетишини таъминлаётди.

Соғлом она ва бола йилида хотин-қизлар саломатлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида мазкур сихатгоҳда республикамизнинг турли ҳудудларидан келган 50 нафар тиббиёт ходими дам олдириляпти.

— Шароитлар аъло даражада, — дейди «Олмалик» ДСЭНМ ходимаси Мадина Бўронова. — Ҳар куни фиточой, электрофарез, сув билан даволаш, массаж каби муолажаларни олаёмиз. Соғлимиз тикланиб, ўзимизни бардам ҳис қилаёмиз. Муолажалардан ташқари, даволанувчилар учун маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилаётгани эътиборга молик.

Санаторий маъмурияти томонидан даволанаётган ҳамширалар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига сайр қилдирилиб, маданий ҳордиқ чиқариши таъминланди.

Давронбек ОРИПОВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



Қашқадарё вилоятида «Ўзбекистон Республикасида 2016 йил ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури»нинг 6-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган меҳнат ҳуқуқи мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Унда Қарши муҳандислик иқтисодий институти талаба ёшлари иштирок этди. Дастлаб институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Азамат Хайриддинов мазкур дастур бандларининг олий ўқув юртида бажарилиши бўйича олиб борилаётган ишлар ва келгусидаги вазифалар тўғрисида тўхталиб ўтди. Шундан сўнг, Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгашининг бош юристконсулти Улуғбек Абдурахмонов мамлакатимизда ёшлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида атрафлича маълумот берди.

— Бугун юртимизда ёшлар учун белгиланган имтиёзлар, меҳнат ва жамоа шартномалари, ёш ходимнинг ҳуқуқ ҳамда кафолатлари ҳақидаги саволларимизга жавоб олдик. Касабга уюшмасидаги етакчи мутахассислар билан бўлган ушбу учрашувдан ўзимизга тегишли хулосалар чиқариб олдик, — деди институт талабаси Исомиддин Файзуллаев.

Тадбир сўнггида Қарши муҳандислик иқтисодий институтининг «Баркамол авлод» жамоаси ёшлари томонидан тайёрланган бадий дастур тақдим этилди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ургут туманидаги қурилиш ва миллий хунармандчилик ҳамда тадбиркорлик касб-хунар коллежларида «Норасмий меҳнатнинг олдини олиш, расмий меҳнатнинг афзалликлари, банк томонидан бериладиган кредитлар ва хунармандчиликни ривожлантириш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабга уюшмаси Самарқанд вилоят раислар кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган семинарда «Микрокредитбанк» АТБ Ургут туман филиали, Меҳнат бандлиги бўлими, туман ахборот маслаҳат маркази мутахассислари ҳамда тармок касабга уюшма фаоллари иштирок этди.

Мутахассислар томонидан катта ҳаётга йўл олаётган коллеж ўқувчиларига ўз бизнесларини ривожлантириш, тадбиркорлик йўналишида ёшларга берилаётган имтиёз ва афзалликлар, банк кредитларини расмийлаштириш тартиби, касабга уюшмага аъзо бўлиш афзалликлари ҳақида маълумот берилди.

Бахтиёр ТУРОБОВ,
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Семинар

Доимо эътиборда

Пойтахтимизнинг Сергели туманида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг жойларда бажарилиши юзасидан семинар-масъулот ўтказилди. Унда туманда жойлашган идора, муассаса ва корхоналар касабга уюшма кўмитаси фаоллари ҳамда мутасадди ташкилотлар ходимлари иштирок этди.

Тумандаги 21-болалар мусиқа ва санъат мактабида ташкил-лаштирилган семинарда Тошкент шаҳар касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Равшан Махаммадалиев, туман политехника касб-хунар коллежи меҳнат муҳофазаси бўйича вакили Нодир Расулов, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабга уюшмаси Сергели туман кенгаши раиси Шоира Шамшиева ва бошқалар юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар халқимизга муносиб турмуш ва меҳнат шариоити яратиб беришга қаратилгани, бу борада кенг қўламли ишлар бажарилганига иштирокчилар эътиборини қаратишди.

Тадбир давомида Меҳнат кодекси, бир қатор соҳага оид қонун ва меъёрий ҳужжатлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Иш ўринларини меҳнат шариоитлари ва асбоб-ускуналарнинг ҳаётдаги ҳавфлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом» ижросини таъминлаш юзасидан батафсил тушунчалар берилди.

— Бундай семинарлар касабга уюшма ходимлари ва ташкилот раҳбарлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди. Тадбир давомида биз жорий йилда касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан ўзаро ҳамкорлик асосида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар бўйича келишиб олдик. Шунингдек, Соғлом она ва бола йилида кўзда тутилган ишлар, жумладан, аёллар бандлиги ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касабга уюшмаси Сергели туман кенгаши раиси Феруза Ражапова.

Мутахассислар иштирокчиларни қизиқтирган барча саволларга атрафлича жавоб берди.

Бахтиёр ЖҲРАЕВ

Меҳнат муҳофазаси

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгаши тизимидаги корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш, ишчи-хизматчиларга қулай меҳнат шариоити яратиш борасидаги муайян ишлар амалга ошириляпти.

— Вазирлар Маҳкамаси, Касабга уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2014 — 2016 йиллар учун имзоланган Бош келишувнинг 5-бўлими 25-бандига асосан меҳнат муҳофазаси тадбирларининг молиялаштирилиши, иш ўринларининг шаҳодатдан ўтказилиши ва меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар сайланиши, уларнинг малакасини ошириш ишлари тармок келишувлари асосида тузилган жамоа шартномалари орқали амалга ошириляпти, — дейди тармок Республика кенгаши бош мутахассиси Дилдора Хошимова. — Мамлакатимиздаги тармок корхона ва ташкилотларида ўтган йили жамоа шартномалари орқали ишчи-хизматчиларга зарур меҳнат шариоити яратиш, меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш учун 11 минг 798 та чора-тадбир мўлжалланган бўлиб, амалда ортиги билан бажарилди.

Дарҳақиқат, яратилган меҳнат шариоитини муттасил назорат қилиб бориш долзарб вазифа. Иш жойларини меҳнат шариоити бўйича шаҳодатдан ўтказиш ушбу талабни амалга оширишнинг асосий омил хисобланади. Шу боисдан ўтган йили иш ўринлари ва асбоб-ускуналар хавфсизлиги чуқур ўрганилиб, 3 минг 142 та иш ўрни шаҳодатдан ўтказилди. Жамоа шартномасида тегишли масалалар юзасидан белгиланган бан-

дарларнинг ҳаётда тўлақонли акс этиши ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш кўп жиҳатдан меҳнат му-

Ишончли ҳимоя

хофазаси бўйича вакилларнинг ўз вазифасига қай даражада масъулият билан ёндашувига боғлиқ. Иш берувчилар томонидан уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш эса ўзининг ижобий натижасини беришига шубҳа йўқ.

Корхона ва ташкилотларда фаолият кўрсатаётган вакилларнинг савиясини янада ошириш ҳам ушбу йўналишдаги муваффақият омилли саналади. Шунинг билан олиб, мавжуд 1467 нафар жамоатчилик асосида сайланган вакиллардан 1090 нафарининг билими текширилиб, қайта ўқитилди.

Шу ўринда тармок Республика кенгаши томонидан ўтказилаётган ўқувлар яхши самара бераётганини ҳам эътироф этиш даркор. Бундай тадбирлар Самарқанд, Жиззах, Фаргона, Андижон, Наманган, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги корхона ва ташкилотлар касабга уюшма кўмиталари раислари, меҳнатни

муҳофаза қилиш хизмати ходимлари иштирокида ўтказилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш, иш ўринларини шаҳодатлашдан ўтказиш тартиби, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида касабга уюшмаларининг вазифаларига бағишланган семинарлар ташкил этилмоқда. Шунингдек, Республика кенгашининг 2014 йил 17 сентябрдаги қарорига асосан йил давомида вилоятлар ва Тошкент шаҳар бирлашган касабга уюшма ташкилотлари то-



монидан корхона ва ташкилотларда «Меҳнатни муҳофаза қилиш куллари» ўтказиш йўлга қўйилди.

Республика кенгашининг 2015 йил 30 июлдаги Раёсат қарори билан тасдиқланган «Меҳнат шариоитлари ва муҳофазасини яхшилаш бўйича 2015 — 2016 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар дастури» доирасида амалга оширилаётган ишлар борасида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Ушбу ҳуж-

жатда белгиланган асосий йўналиш Бош келишувнинг «Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги» бўлимидаги тадбирларни амалга оширишга қўламлилаштириш, ишчи-хизматчиларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш жараёнини тақомиллаштириш, меҳнат муҳофазаси ва шариоитлари ҳолатини, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари сабабларини таҳлил қилиш ва уларнинг олдини олиш бўйича мониторинг олиб боришдир. Айни вақтда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар бирлашган касабга уюшма кўмиталари томонидан бундай ҳолатлар ўрганиб чиқилмоқда. Соҳани тарғиб этишда «Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови» муҳим аҳамият касб этмоқда. Уч босқичда ўтказилаётган мазкур кўрик-танловда меҳнат муҳофазаси борасида энг яхши натижаларга эришган корхоналар, ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шариоитларини яратишда энг яхши кўрсаткичларга эришган бошланғич ташкилотлар соҳага оид қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоат назоратини амалга оширишда ижобий натижаларга эришган жамоатчилик асосида сайланган вакилларни рағбатлантириб бориш кўзда тутилган.

Меҳнат муҳофазаси талабларининг тўлақонли бажарилиши ҳар бир корхона, ташкилот маъмурияти ҳамда касабга уюшма кўмитасидан ниҳоятда катта масъулиятни талаб қилади. Чунки ушбу сайё-ҳаракатлар ортида инсон тақдирини турибди.

«Ishonch» мухбири
Неъмат РАДИКОВ
ёзиб олди.

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Оммавийлик, саломатлик байрами

✉(1).

Мусобақалар давомида таникли спортчилар, санъаткорлар, ёш ижрочилар ва бадий ҳаваскорлик дасталари, маданият ходимлари иштирокида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган оммавий-маданий тадбирлар ташкил этилди.

Веломарафоннинг Тошкент шаҳри ва вилояти якуний босқичи пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек истироҳат боғига ёндош кўчаларда уюшқоқлик ва катта тайёргарлик билан ташкил этилди. Кўчалар байрамона, велоспортни тарғиб этувчи турли афишалар билан безатилган. Болажонларнинг шўх-шодон кулгуси ҳаммаёқни тугган. Айниқса, бутун оиласи билан мусобақага таширф буюрганларни ўзгача иштиёқ чулғаб олгани яққол сезилади.

Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида спортга, ёш авлод тарбиясига катта эътибор қаратилган барчамизни хурсанд қилади. Шаҳар ва қишлоқларимизда давр талабига жавоб берадиган спорт мажмуалари ҳамда стадионлар бунёд этилиб, замонавий спорт анжуманлари, юқори малакали спорт усталари ва мураббийлар билан таъминлангани натижасида болалар спортга тавоусида, спорт билан мунтазам шугулланувчи болалар ва ёшлар сони ортиб бормоқда. Соғлом миллат, соғлом насллар турғисидаги ғамхўрликнинг яна бир кўриниши сифатида 2016 йил «Соғлом она ва бола йили» номи олд. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан аъёнани равишида ташкил этиб келинаётган «Касаба-тур» веломарафони иштирокчилари сони йилдан-йилга ортаётгани, мазкур спорт турининг оммалашиб бораётгани диққатга сазовор. Биз бундан кейин ҳам фаолиятимизда спорт тадбирларига кенг ўрин берамиз, — деди ЎзКУФК раиси Танзила Нарбаева мусобақанинг очилиш маросимида.

Тошкент шаҳри ва вилоятидан 2 мингдан зиёд ҳаваскор велоспортчининг қизгин курашлар учун муносиб ҳозирлик кўргани беллашувлар мобайнида сезилиб турди.

Веломарафоннинг дастлаб 4 ёшдан 12 ёшгача бўлган кичкинтой велоспортчилар бошлаб берди.

Мусобақаларда 20-35 ёшдагилар, шунингдек, 35 ва ундан катта ёшдаги ҳаваскор велоспортчилар белгиланган масофаларни босиб ўтишди. Профессионал велоспорт усталарининг кўргазмалари чикишлари мусобақаларга янада фойда киритди. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан голиблар аниқлангунга қадар таникли санъаткорлар ва ёш ижрочилар, бадий жамоаларнинг чикишлари спорт байрами иштирокчилари қалбига завоқ улашди.

Кайд этиш зарурки, «Касаба-тур» веломарафонини ўтказишдан қўзланган мақсад — меҳнатқашлар ўртасида, спортнинг, оммавийлигини ошириш, меҳнат жамоаларида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, бу орқали ходимлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлашди. Шунингдек, турли соҳа ходимлари ўртасида ўзаро дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, уларнинг мазкур спорт турига бўлган қизиқишини орттириш ҳамда экологик тоза транспорт турини оммалаштириш ташкилотчиларнинг диққат марказида бўлди, — деди ЎзКУФК маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси Гулчехра Жўраева.

Катталар ўртасидаги якуний натижаларга кўра, 20-35 ёшгача бўлган ҳаваскор велоспортчи аёллар орасида биринчи ўринни пойтахтимиздаги 160-умумтаълим мактаби вакиласи Ирина Лукинко кўлга киритди. Эркаклар ўртасидаги пойгада 2-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ходими Максим Киришин ғалаба қозонди.

35 ёш ва ундан юқори аёллар ўртасидаги бахсларда Тошкент вилояти 18-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Дилбар Муталова марра чизигини биринчи бўлиб кесиб ўтди. Эркаклар ўртасида ҳам вилоят вакили — 7-умумтаълим мактаби ходими Юрий Киришин барчани орта қолдирди.

Мусобақаларда аёлларнинг иштироки ортиб бораётгани кишини қувонтиради. Айниқса, бу йил веломарафонда турли соҳаларда фаолият олиб бораётган хотин-қизлар фаол қатнашаётганини кўриш мумкин. Биз ҳам оилавий тарзда спорт билан шугулланамиз. Бугунги ғалабанинг заминидан ҳам айнан шу омил ётибди, — деди веломарафон голибаси Дилбар Муталова.

Велоспорт билан оилавий тарзда шугулланамиз. Бугун укам ҳам голиблар сафидан жой олди. У мусобақада биринчи марта қатнашди. Велоспорт билан болалигимиздан шугулланиб келамиз. Бугунгидай мусобақалар мазкур спорт турининг кенг тарғиб этилишида муҳим ўрин эгаллайди, — деди яна бир голиб Юрий Киришин.

Ўз мухбиримиз

Касаба-тур» веломарафонининг Хоразм вилоят босқичи ҳам қизгин ва мурасасиз кечди. Роза Ҳожибоева коллежни тамомлаб, Янгибозор туман тиббиёт бirlашмасида кичик тиббиёт ходими бўлиб иш бошлаганига хали бир йил бўлмади. Ўнчил, чаққон ва тиришқоқ қиз қисқа фурсатда ўзини намоян қилиб, ҳамкасблари, усталари ҳурматини қозонишга улгурди. Бундан унинг мунтазам равишида спорт билан шугулланиши кўл келмоқда.

— Айниқса, велоспортга жуда қизиқаман, — деди Роза. — Қизларнинг ушбу спорт тури билан шугулланиши қоматларининг расо, кўл ва оёқларнинг кучли бўлишига хизмат қилади.

Р.Ҳожибоева веломарафонининг биринчи ва иккинчи босқичларида биринчиликни кўздан бермай, вилоят босқичига йўллангани кўлга киритди. Бу



Козим УЛМАСОВ ойнай буюрди

ерда ҳам 20-35 ёшли аёллар орасида финишга ҳаммадан олдин, бошқалардан катта фарқ билан етиб келди. Ушбу ёш тоифасининг яна бир голиби Урганч туманидаги 27-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Яшнарбек Раҳмонов бўлди.

35 ёшдан катта иштирокчилар орасида Янги-арик туманидаги 35-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Эркинбой Ҳасанов ва янгибозорлик Холида Ҳасанова голиблик шохсупасига кўтарилди.

«Авесто» бог-мажмуасида «Касаба-тур» веломарафони вилоят босқичи голибларини тақдирлашга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Мухаббат ТҶАРАБОВА, «Ishonch» мухбири

«Касаба-тур» веломарафони Сирдарё вилояти якуний босқичи мусобақасида иштирокчи аёллар сони бир неча барфасадга кўпайганини кўриш мумкин. Айниқса, аёлларнинг фаолигини алоҳида таъкидлаш зарур.

— Шуниси қувонарлики, веломарафонда оилавий тарзда доимий равишда иштирок этаётганлар ҳам бор. Бунга мисол, Сирдарё туманидаги 11-умумтаълим мактаби ходимлари ака-ука Османовлардир.

— Мусобақада биз уч ака-ука иштирок этдик, — дейди Дамир Османов. — Голибликка эришиш осон бўлмади. Сабаби, иштирокчилар орасида доимий равишда марафонда иштирок этиб келаётган ҳаваскорлар кўп.

Қизгин ўтган мусобақаларда 20-35 ёшгача бўлган ҳаваскор велоспортчи аёллар орасида биринчи ўринни Гулистон тумани 17-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Сайёра Нарзиева эгаллади. Худди шу ёш тоифасидаги эркаклар ўртасида 21-умумтаълим мактаби ходими Жаҳонгир Дармонов маррага биринчи бўлиб етиб келди.

35 ёш ва ундан юқори аёллар ўртасида мурасасиз кенган бахсларда ҳам Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси аъзоларининг кўли банд келди. Гулбахор Ҳайдарова ўзи каби маҳоратли спортсеварларни орта қолдирди, марра чизигини биринчи бўлиб босиб ўтди. Сирдарё тумани 11-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Дамир Османов ҳам шу тоифадаги тенгсиз ҳаваскор велоспортчи эканини исботлади.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

Бухоро шаҳрининг «Навоий» шох кўчаси байрамона тус олди. Карнай-сурнай садолари остида ҳаваскор велоспортчилар қириб келди.

Тадбирнинг очилиш маросимида ташкилотчилар ва марафоннинг шаҳар ҳамда туман босқичларида голибликни кўлга киритган 300 нафар ҳаваскор велоспортчини вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулфия Тўйева мураббаб қилди.

Соғлом она ва бола йили муносабати билан марафонни дастлаб 4 ёшдан 12 ёшгача бўлган кичкинтой велоспортчилар бошлаб берди. Шундан сўнг асосий беллашувларга старт берилди.

20-35 ёшлилар ўртасида Бухоро шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ходимлари Елена Медведова ва Денис Голованов, 35 ёш ва ундан катталар бахсида эса Ромитан туманидаги 13-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ойша Сиричева ва «Агробанк»нинг вилоят бўлими ходими Илдар Галиев биринчи ўринни эгаллади.

— Веломарафоннинг нуфузи йил сайин ошиб бораёпти, — деди Бухоро шаҳридаги «Шохруд» акциядорлик жамияти касабаси уюшмаси раиси Зубайда Жўраева. — Вакилларимиз голиблар сафидан жой ололмади. Лекин ҳафза эмасми. Аксинча, оммавийлики янада кучайтиради. Мунтазам шугулланиши бўлса қўйиб, соғлом турмуш тарзини шакллантирган ҳолда янги марралар сари интиламиз.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

«Саломатлик акцияси» доирасида ўтказиб келинаётган «Касаба-тур» веломарафонининг якуний босқичи Намангон вилоятида ҳам юксак савияда ташкил этилди. Ҳар бир иштирокчида ғалаба томон интилиш етакчилиги қилди.

20-35 ёшдагилар, шунингдек, 35 ва ундан катта ёшдаги ҳаваскор велоспортчилар белгиланган масофалардаги пойга йўналишларини босиб ўтишди. Икки гилдиракли ёрдамчининг саботи, бошқарувчининг маҳорати ва албатта, ҳакамлар ҳайъатининг адолатли қарорига асосан голиблар, номинантлар номи эълон қилинди.

20-35 ёшдаги аёллар ўртасида голиблик Одина Икромовага, эркаклар ўртасида 1-ўрин Сардор Сатторов (Наманган шаҳри)га насиб этди. 35 ёшдан юқори иштирокчилар орасида Евгений Неупокоев, Иноят Эргашева марра чизигини илдам босиб ўтишди.

— Ушбу мусобақада катнашиб, ғалаба қозонолмадим, дейиш нуруни, менимча, — деди «Энг ёш пойгачи» номинацияси голиби Акбархон Умаров. — Иштирокчимиз давомида нафақат маданий дам олдик, балки бошқа туманлардан келган ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашдик. Шу билан бирга, голибларга ҳавас қилиб, кейинги йил учун олдимизга қатий аҳд қўйиб қайтаёلمиз.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири

Эрта тонгданок Термиз шаҳрининг Шароф Рашидов кўчасида «Алпомиш» ўйингоҳигача бўлган трасса бўйлаб веломарафоннинг Сурхондарё вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Термиз шаҳри ва барча туманлардан 400 нафардан ортиқ ҳаваскор велоспортчи қатнашган мусобақаларни аъёнанига кўра болажонлар бошлаб беришди.

— Мусобақаларни болажонлар бошлаб берганида катта маъно бор. Келгусида улардан яхши велоспортчилар етишиб чиқишига умид қиламиз. Велосипед — қони фойда. У нафақат тани чинқиради, балки экологик тоза транспорт воситаси ҳамдир. Бугунги кунда 2500 нафардан ортиқ аъзосимиз велосипедда ишга келиб-кетмишга одатланган, — деди Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Шеробод туман кенгаши раиси Раъно Холмирова.

25 ёшдан 35 ёшгача бўлган аёллар ўртасида термизлик Мария Белова, эркаклар бахсида Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабаси уюшмаси аъзоси Баҳром Омоннинг кўли банд келди. 35 ёшдан катта бўлган эркаклар мусобақасида Комил Менглиев ва Елена Шоймуродова голиб қиди.

— Велоспортнинг саломатликка фойдаси катта. Мусобақада муҳими голиб қилиш эмас, иштирок этиш, тананинг чинқилиши, дўстлар орттиригани, — деди мусобақа голибларидан бири Шавкат Турсунов.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири

Анджонда қорхона, ташкилот ва муассасалар ишчи-хизматчилари ўртасидаги веломарафоннинг якуний босқичида 250 нафардан зиёд ҳаваскор спортчи ўз маҳоратини синовдан ўтказди.

Аъёнани беллашувнинг дастлабки босқичлари 3544 та бошланғич ташкилотнинг 14 мингга яқин ишчи-хизматчини қамраб олди. Бахслар юқори савияда, байрамона руҳда ўтиши учун жойларда зарур шарт-шароитлар яратиб берилди.

— Спортга бағишланган телекўрсатувларнинг бериладан велосипед ҳайдашнинг саломатлик учун қони фойда эканини билиб олиб, ушбу спорт тури билан мунтазам шугуллана бошладик, —

деди Олтинқул туманидаги 42-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Дилнозахон Усмонова. — «Касаба-тур»нинг туман босқичида голиб бўлдим. Мактабимизда ҳамкасбларимиз ўртасида ҳам ушбу спорт турини кенг тарғиб қилмаемиз.

20-35 ёшли аёллар иштирокидаги пойгаларда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси тармоғи вакили М.Шокирова ҳамда 35 ёшдан юқори бўлган қатнашчилар ўртасида тиббиёт ходими З. Бўтаева маррага биринчи бўлиб етиб келди.

Эркаклар ўртасидаги мусобақалар ҳам қизиқarli ва мурасасиз кечди. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси тармоғи аъзоси М.Мухаммадазизов ҳамда тиббиёт ходими У.Жунадуллоев финиш чизигини ҳаммадан аввал босиб ўтиб, тенгсиз эканликларини исботлашди.

Нурилло НҶЪМОНОВ, «Ishonch» мухбири

«Касаба-тур» веломарафони ҳаваскор велоспортчилар сафини кенгайтиришга хизмат қилди. Таъкидлаш жоизки, Жиззах вилояти веломарафон ўтказиш уюшмасидан олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишларида велосипеднинг экологик тоза транспорт эканлиги таъкидланди. Тадбирга қорхона ва ташкилот ходимлари билан бирга маҳаллалар аҳлини ҳам кенг жалб этишга эътибор қаратилди.

Тадбирнинг илк босқичи апрел ойида якунланиб, унда 814 та қорхона, ташкилот ва муассасадан 12750 нафар ишчи-хизматчи иштирок этди.

Жиззах шаҳрининг Ш.Рашидов шох кўчаси «Ором» бекатидан тиббиёт касб-хўнар коллежи чорраҳасигача бўлган беш ва ўн км.лик масофада ҳаваскор велопойгачилар ўзаро беллашди.

20-35 ёшли эркаклар ўртасидаги бахсларда Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабаси уюшмаси вакили Азиз Жақимов, аёллар ўртасида Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Фориш туман кенгаши вакили Шахноза Бахромованинг кўли банд келди.

35 ёшдан юқори ёшли эркаклар ва аёллар ўртасидаги мусобақаларда жаззхлик Ихтиёр Мухиддинов ва галларолик Зебунисо Маърупова голиблик шохсупасидан жой олишди.

Веломарафон жараёнида маданий тадбирлар ташкил этилди.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Уч босқичли «Касаба тур» веломарафонининг ҳал қилувчи беллашувларига самарқандлик велоспортчилар ҳам қизгин ҳозирлик кўришди. «Нодир Самарқанд» меҳмонхонаси ёнидаги майдонга қўйиб босқичлар голиблари жамланди.

20-35 ёшгача бўлган ҳаваскор велоспортчилар ўртасида Хушвақт Соатқулов барчани орта қолдирди, биринчи ўринни кўлга киритди. 35 ёшдан юқори ёшдагилар ўртасида Дилшод Саидов голиб деб топилди.

Ўткир Кулиев «Энг ёши улуг пойгачи», Фазлидин Исмоилов, Диловар Бурхонова «Энг маҳоратли пойгачи», Дилбар Кенжаева «Ғалабага бўлган интилиши учун», Саидмурод Усмонов «Энг ёш пойгачи», Моҳина Камолова «Энг фаол аёл пойгачи» номинациялари голиби бўлишди.

Ақбар АБДУСАИДОВ, вилоят КУТБК бўлим мудири

Фаргона вилоятидаги мусобақаларда 1500 дан ортиқ қорхона, ташкилот, муассасалар ва маҳаллалардан 80 мингдан зиёд ҳаваскор велоспортчи қатнашди.

Веломарафон якуний босқичининг тантанали очилиши ва ёпилиш маросимида Фаргона шаҳридаги маданият уйлари санъаткорлари иштирокида маданий тадбир ташкил этилди.

— Веломарафоннинг якуний босқичида 400 нафар ишчи-хизматчи иштирок этди, — деди бирлашма маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Ф.Пайзиев. — Энг асосийси, ушбу тадбир кўпчилида велоспорт билан шугулланишга рағбат уйғотиш билан бирга, байрамона кайфият улашди.

Мусобақа якунида 20-35 ёшгача бўлган аёллар ўртасида голиблик Бешариқ туманидаги 9-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Гулбахор Содиковага, 35 ёшдан юқори бўлган аёллар ўртасида Данғара туманидаги 28-умумтаълим мактаби ходимаси Дилшода Дадажоновга насиб этди.

Эркаклар ўртасидаги бахсларда 20-35 ёш тоифасида Кува туманидаги 43-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Аҳмад Саиматов, 35 ёш ва ундан катталар тоифасида голибликни Фарғона енгил атлетика федерацияси ходими Эркин Исаков кўлга киритди. Веломарафонда иштирок этганларнинг 20 нафарига «Соғлом авлод учун» ҳалқаро хайрия жағмармаси вилоят бўлими ҳамда «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгашининг эсдалик совғалари ҳам топширилди.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

«Касаба-тур» веломарафонининг худудий республика босқичи Навоий вилоятида ҳам байрамона руҳда ташкил қилинди.

Унда 400 нафар ҳаваскор велоспортчи ўз имкониятини синовдан ўтказди. Иштирокчилар эрта тонгдан Навоий шаҳридаги муҳташам «Ёшлар» спорт мажмуаси олдидаги кичик ҳалқа йўлида жам бўлишди. Уларни томошабинлар қўллаб-қувватлаб туришди. Дастлаб 20-35 ёшли ҳаваскорлар икки гуруҳга бўлинган ҳолда 10 км. масофада куч синашди. Мурасасиз кенган пойгаларда барча иштирокчилар бор куч-ғайрати билан голиблик учун курашди. Кейин 35 ёшдан катта иштирокчилар 5 километр масофада баҳс олиб боришди. Хотин-қизлар ўртасида ўтказилган пойгалар ҳам қизиқarli кечди.

— Бугунги веломарафон ҳақиқий спорт байрами бўлди. Барча иштирокчиларнинг чехрасида голиблик учун интилиш ва иштиёқ сезилиб турди. Албатта, бу каби спорт мусобақалари меҳнатқашлар орасида ҳамжихатликни оширади, иш жараёнида самарадорликни таъминлайди, — деди веломарафоннинг хотин-қизлар ўртасида биринчи ўрин соҳибаси, Кармана туман тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Зулфия Низомова.

Руслан САБУРОВ, «Ishonch» мухбири

Нукус шаҳри ҳаваскор велоспортчилар ўртасида ўтказилган веломарафоннинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида мезбонлик қилди.

— Ташкил этилган пойгада шаҳар ва туманларда ўтказилган велоспорт мусобақаларининг голиблари қатнашди, — деди Қорақалпоғистон Республикаси касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Женисбай Аялов. — Нуфузи ошиб бораётган спортнинг ушбу турига қизиқувчилар сони йил сайин ортамоқда. Бу йил иштирокчилар сони 400 нафарга етди.

Кенг ва раvon кўчаларда кенган беллашувлар энг кучли, чаққон ва тажрибали велоспортчиларни саралаб олишга имкон берди.

20-35 ёшдаги аёллар ўртасида ўтган мусобақада голибликни Карлиғаш Бежжанова (Кегайли тумани) эгаллади. Эркаклар ўртасида 10 км.лик масофада ўтказилган пойгада биринчи ўринни Б.Худайбергенов (Нукус шаҳри) кўлга киритди.

35 ва ундан юқори ёшдаги аёллар ўртасида ўтказилган мусобақаларда биринчиликни Аманжол Есенгулиева (Ҳўжайли тумани), эркаклар ўртасидаги пойгада Қ. Қудайбергенов эгаллашга муваффақ бўлди.

Байрам қатнашчиларига республика санъат усталари томонидан тайёрланган концерт дастури манзур бўлди.

Ортиқбой МАМУТОВ, «Ishonch» мухбири

Қарши шаҳрида ўтган веломарафоннинг Қашқадарё вилоят якуний босқичида 152 нафар ҳаваскор ўзаро куч синашди. Уларнинг 54 нафарини хотин-қизлар ташкил этгани воҳида аёлларнинг ҳам ушбу фойдали спорт турига қизиқиши ортаётганини далиллади.

20-35 ёшгача бўлган иштирокчилар ўртасида Зафар Аминов ва Ҳилола Дилмуродова голибликка эришди. 35 ёшдан юқори қатнашчилар орасида эса Бахтиёр Исмоилов ҳамда Ҳалима Аҳмедова марра чизигини биринчи бўлиб босиб ўтишди.

— Бошланғич синф ўқитувчисиман. Касаба уюшмалари томонидан уюштирилган мусобақаларда доимий равишда қатнашиб келаман. Шу туйғайли ўзимда ҳам, фарзандларимда ҳам спортга бўлган қизиқиш кучайди. Бундай веломарафонларнинг давоми бўлишига тилақдошимиз, — деди Яққоб тумани 12-умумтаълим мактаби ходимаси Дилнавова Мавлонова.

Акмал АБДИЕВ «Ishonch» мухбири

Барча мусобақалар якунида голиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди. Шунингдек, «Энг ёши улуг пойгачи», «Энг маҳоратли пойгачи», «Ғалабага бўлган интилиши учун», «Энг ёш пойгачи», «Энг фаол аёл пойгачи» номинациялари голиблари аниқланди.

MUASSIS:
O'zbekiston Kasaba uyushmalari Federatsiyasi
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Jahongir Sharofboyev
Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'loin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshhev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Hilquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xalflar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va o'lonlar — 256-87-73
Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Boxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xalflar@ishonch-doverie.uz
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 313-86-87
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-90) 910-54-05
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:
A. Abdullayev
Navbatchi:
J. Ergashev
Musahhirlar:
S. Shodiyeva
Sahifalovchi:
H. Abdullayev
Boshlarga topshirish vaqti — 20:35
Tayyorlik — 22:50
1 2 3 4 5

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonani manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma toboq.
Buyurtma T — 515.
20734 nusxada bosiladi.
Nashr ko'rsatkichi: 133